



O'zbekiston O'VOZI

№ 17
2020-yil, 20-may
Chorshanba (32.611)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta
1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



Коронавируснинг иссиқда ўлиши рости?
• Янги SARS-CoV-2 коронавируси 30° ва undan юқори даражада ўзининг инфекцион фаоллигини тўлиқ йўқотади.
• Паст даражадаги намлик ва куёш нурлари вируснинг парчаланишига ёрдам беради. Вирус 70° даражада тўлиқ йўқолади.

Улуглардан улугимсан, Ватаним!

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



ЯНГИ ТАХРИРДАГИ «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН фарзандларимиз, халқимиз келажагини белгилайди

Кеча 19 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида янги тахрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси қизгин кечди. Депутатлар 5-6 май кунлари бўлиб ўтган палата мажлисида қонун лойиҳасини моддама-модда, бобма-боб муҳокама қилган эдилар. Муҳокама давомида бир неча моддалар юзасидан бир фикрга келинмаганлиги сабабли, улар устида ишларни давом эттириш ҳамда келгуси мажлисда ана шу моддалар атрофида тўхталиб ўтишга келишилган эди.

Шундан сўнг масъул кўмита барча фракциялар, депутатлардан тушган таклиф ва мулоҳазаларни жамлаб, мутахассис ва экспертлар иштирокида қонун лойиҳаси устидаги ишларни давом эттирди.

Таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг энг устувор ҳуқуқларидан биридир. Кишининг келажақда қандай инсон бўлиши, шахс сифатида камол топиши, касб танлаши, орзу-ҳаваслари рўёби айнан қандай таълим олишига боғлиқ.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизimini тубдан ислоҳ қилиш, фарзандларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-хунар эгаллаши, кадрлар тайёрлаш сифатини илгор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таълим соҳасида бўлаётган ислохлар самардорлигини тизимда бўлаётган ўзгаришлардан ҳам билишимиз мумкин. Лекин ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди, айниқса, таълим соҳаси шиддат билан ривожланыпти. Шунга ҳамоҳанг тарзда тизимдаги ислохлар ҳам янада чуқурлашиб боравериши зарур. Бу эса ўз навбатида соҳанинг ҳуқуқий асосларни такомиллаштирилишини тақозо этади.

Амалдаги «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганига 20 йилдан ошди. Табиийки, қонун нормалари бугунги тезкор ислохларга мос келмай қолган, таълим тизими янги, айтиш мумкинки, замонавий қонунга муҳтож бўлиб келаётган эди. Шунинг учун соҳадаги барча ютуқ ва камчиликлар, жаҳондаги тажриба ва тенденцияларни инобатга олган ҳолда, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатасида қизгин муҳокама қилинган сабаб бўлди. Айниқса, қонун лойиҳасининг

иккинчи ўқишдаги муҳокамаси қизгин кечди. Палата мажлисида қонун лойиҳаси моддама-модда қўриб чиқилди. Бу бевосита мамлакат, фарзандларимиз келажаги ва тақдирига дахлдор масала бўлгани учун ҳам депутатлар муҳокамаларга жиддий ёндашди, кескин баҳс-мунозаралар бўлди. Қонун лойиҳасидан бир қатор ҳавола меъёрлар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган меъёрлар киритилди. Ниҳоят, парламент куйи палатаси «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги тахририни қабул қилди.

Янги тахрирдаги қонунда таълим олиш ҳуқуқига оид бир қатор нормалар мавжуд. Масалан, таълим олиш ҳуқуқига инновацион фаолият билан боғлиқ масалалар ҳам кўзда тутилди. Эндиликда таълим ташкилотларида инновацион фаолиятни ва таълим дастурларини инновацион технологияларни қўллаган ҳолда амалга ошириш шакллари қўллаб-қувватланади. Қонунда фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқи билан боғлиқ яна бир қатор меъёрлар мавжуд.

Шунингдек, қонунда таълим турлари ҳам белгиланди. 7-моддага асосан мактаб-гача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, касб-хунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда мактабдан ташқари таълим турлари белгиланди.

Ўқитувчи мақоми ошса, таълимда ҳам юксалиш бўлади. Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Қонунда педагог ходимларнинг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятининг кафолатлари белгиланган. Педагог ходимларга ўз касбий фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чоралар кўрилади, шунингдек, уларнинг ижтимоий мақоми ҳамда обрўсини оширишга доир ҳуқуқ ва эркинликлар берилади. Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари, шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимояси остида бўлади.

Яна бир муҳим масала. Қонун лойиҳасига инклюзив таълим тушунчаси ҳам киритилди. Ҳар бир боланинг ижтимоий келиб чиқиш ҳолатидан қатъи назар, таълим олишда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, ҳар қандай ажратилиш ва камситишларнинг олдини олишда бу муҳим аҳамиятга эга. Бу масалалар партияимиз Сайловолди дастурида алоҳида қайд этилгани, қонунда белгиланган меъёрлар муҳим ўзгаришларга асос бўлишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Улугбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОН!

Коронавирус пандемияси карантини сабабли қарийб икки ой давомида дийдор кўришолмаганимиз учун уэр сўраймиз. Хабарингиз бор, ўтган ҳафтадан бошлаб мажбурий танаффусдан сўнг газетамиз яна нашр этила бошланди.

Коронавирус карантини юмшатишга бўлса-да, ходимларимизнинг ҳаммасини ишга тўлиқ жалб этганимиз йўқ. Ихчамлашган жамоа бугунги талаблар тартибига қатъий амал қилган ҳолда ишлаяпмиз. Коронавирус талаблари юмшагани билан хавф-хатар сақланиб қолаяпти. Шу сабабли масъулиятни «юмшатиб» бўлмайди, албатта. Эҳтиёт чораларини кўриб, ўзимизни ва яқинларимизни асрасак, коронавирис пандемиясидан тезроқ қутуламиз.

Хуллас, ҳаёт ҳам, газеталар чиқиши ҳам давом этади. Бироқ бугунги ўзгаришлар, сабоқлар биздан ҳаётга янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Айниқса, одамлар фикрини билиш, уларнинг қизиқишлари ва талабларини ҳисобга олиш кераклигини яхши англаб турибмиз. Шу сабабли, ҳурматли газетхон, сиздан таклиф ва фикр-мулоҳазаларни кутамиз.

Савол ва жавоб

— Уғлим Навоий кончилиқ институти 2-курс талабаси. Тугма ногирон. Уқишга контракт асосида кирган. Ҳозирда контракт пулини тўлашга имкониятимиз бўлмаяпти. Бундай вазиятда тугма ногиронларга қонунларимизда имтиёзлар борми?
О.Очилов,
Каттақўрғон тумани, «Ёви» маҳалласи.

Ҳозирги кунда талабаларнинг тўлов-контракт асосида ўқиши учун кенг имтиёзлар мавжуд бўлиб, улардан бири «таълим кредити»дир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юрталарида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 318-сонли қарорига асосан, банк муассасалари томонидан тўлов-контракт асосида ўқитган талабаларга бериладиган «таълим кредит»лари жуда ҳам қўлай ва самарали ҳисобланади.

Ушбу қарорнинг 3-бандига асосан:
- чин етимлар, «Меҳрибонлик уйлари»да тарбияланганлар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари учун – фоизсиз таълим кредитлари берилади;
- кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғарма»си маблағлари ҳисобидан тўлаш белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 24 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрталарида таълим олиш учун йўналтирилган маблағларга жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 24, 15 – сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 27 майда 2107-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосан, 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юрталарида таълим олишга (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти йашга тўлмаган фарзандларининг таълим олиши учун) йўналтирилган суммаларига жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи солинмайди.

Шу билан бир қаторда, Сиз ҳомилик кўрсатиши мумкин бўлган қорхона ва ташкилотларга ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги сайтдан олинди.

САРДОБА СУВ ОМБОРИДА ЮЗАГА КЕЛГАН ТОШҚИНДАН ЖАБР КЎРГАН ҲАР БИР ХОНАДОНГА КЎРСАТИЛАДИГАН ЁРДАМ

1. Зарар кўрган 4,5 МИНГА яқин хонадон эгаларининг ҳар бирига:

- 40 миллион сўмлик моддий ёрдам (банк картаси билан)
- телевизор, музлатич, кир ювиш машинаси, минипе, электр мойнак ва даэмол каби маъмурий техникалардан иборат совғалар топширилди

2. Ҳар хонадонда яшайдиган 5 та масоивада жами 2 миң 640 казиртали 16 га 5 қаватли уй қурилиши режалаштирилган

3. Аҳолининг йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳужжатлари (паспорт, туғилганлик, никоҳ гувоҳномалари ва бошқалар) тиклаб берилади

4. Янги қорхоналар ташкил этилиб, иш ўринлари яратилади. Мирзаобод, Оқолтин ва Сардоба туманларида жорий йилда 10 миңга яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилган

5. Талофат кўрган 13 383 та аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 655 млрд сўмлик кредитларининг 186,2 млрд сўмини қайтариш мuddати 6 ойгача мuddатга узайтирилди.

Карантин вақтида маҳаллий йўналишлардаги ПОЕЗД ВА САМОЛЁТЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ТАРТИБИ

Йўловчиларга қўйилган талаблар:

- Йўловчилар самолёт ва поезд вагонларига ижтимоий масофани сақлаган ҳолда жойлаштирилади
- Барча йўловчилар аэропорт ва вокзалларга, самолёт ҳамда поездларга бир марталик химия никоблари ва кўнлопларда киритилади
- Электрон чиптага онлайн тарзда олинади
- Электрон чипта олиш имкони бўлмаган йўловчилар дезинфекция ишлари амалга оширилгандан сўнг чипталарни кассагадан олишлари мумкин

АЭРОПОРТ ВА ВОКЗАЛЛАРНИНГ БИРИНИНГ ЎТКАЗИШ ПУНКТИДА

-37°C

Тана ҳарорати 37 С дан юқори бўлмаган йўловчилар дезинфекция ёрдамида зарарсизлаштирилади, никоб ва кўнлоплари чиқинди қорларига солиниб, янгили берилган, терминнал ва вокзалга киришга рухсат этилади

+37°C

Тана ҳарорати 37 С дан юқори бўлган йўловчилар соғлиқни сақлаш ходимлари назоратига топширилади ва йўловчи чипта пули қайтариб берилади

Аэропорт ва вокзалларда йўловчилар билан бевосита мулоқотда бўладиган ходимлар 8 соатли химия никоби ва кўнлоплар, юз ҳамда кўз қисмини химияловчи шаффоф никоб, дезинфекция ва антисептик воситалар билан таъминланади

Йўловчилар ўртасида ижтимоий масофани сақлаш мақсадида аэропорт ва вокзалларда ҳаракатланиш учун йўналтирувчи махсус тасма («tenzo» барьер)лар ўрнатилади

Самолётлар ҳар бир парвоздан сўнг, поездлар эса сўнги бекатдан ортага қайтишдан аввал дезинфекция қилинади

Қонунчиликда мавжуд бўлмаган тушунча юзасидан меъёрлар жорий этиш қонун ижодкорлиги тартиб-қоидаларига мос эмас.

ФРАКЦИЯ КУН ТАРТИБИДА

ҚОНУННИНГ МУКАММАЛЛИГИ

лойиҳанинг пухталигида

Ов қилиш ва овчилик хўжалиги аслида бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, мазкур атамалар мамлакат қонунчилигида янги меъёрлар билан мустақамланиши юзасидан муҳокамалар олиб борилди. Яъни, ов қилиш, деб табиатда эркин ҳолатда яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутишга айтилади.



Овчилик хўжалиги эса ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилна фойдаланишга доир биотехник тадбирларни ўтказиш, ёввойи ҳайвонлар сони ҳамда тутилишига ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш фаолиятини амалга оширади. Шу мақсадда юридик ва жисмоний шахсларнинг овчилик хизматлари кўрсатиши учун уларга ов қилиш жойлари ўша ҳудудда ташкил этилади.

Ушбу тушунчалар куни



ПРОКУРАТУРА СЕКТОРИДА

ПАНДЕМИЯНИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЕНГАМИЗ

Айни синовли кунларда Юқори Чирчиқ туманида карантин тадбирларини олиб бориш асносида ҳудудда яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олишда прокуратура ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, ҳудудий ишчи гуруҳ ҳамда Юқори Чирчиқ туман прокуратураси томонидан аҳолининг бирламчи эҳтиёжидоғи товарлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархини асоссиз ошириш ва сунъий танқислигини юзага келтириш ҳолатлари олдини олиш юзасидан зарур ва қатъий чоралар кўриб борилмоқда.

Туман прокуратураси ташаббуси билан озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган бозор ёки савдо нуқталаридан узоқ ҳудудда жойлашган маҳаллаларда мунтазам равишда қўлма савдо нуқталари ташкил этилмоқда. Жумладан, туман прокуратураси Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг туман бўлими билан ҳамкорликда прокурор секторидоғи "Қорасув", "Маърифат", "Чумчуқжар", "Кавардон", "Султонравот", "Янгиобод", "Булқобшош", "Қўрсой", "Қангли", "Миям-Қангли", "Саксонота", "Марказий" ва "Тошўғизок" маҳаллаларида арзонлаштирилган кўнма озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этилди. Бундан ташқари, "Чумчуқжар" ва "Қорасув" маҳаллаларида аҳолини мунтазам сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида "Даладан — дастурхонга" шиори остида турғун савдо ярмаркаси фаолияти йўлга қўйилди.



Туман прокуратураси ташаббуси билан сектор ҳудудидаги жами 271 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

МЧЖ ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини сунъий равишда оширилмаслиги юзасидан профилактик суҳбатлар ўтказилди. Натижада туманда озиқ-овқат товарлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барқарор нархларда сақланиб қолинди.

Синовли кунларда бир қарич бўлса-да, томорқаси бор инсон фурсатни қўлдан бермай ерга уруғ қадаши муҳим эканлигини тушунира олишимиз керак. Ана шу мақсадда сектор масъуллари томонидан ҳудудларда аҳоли томорқаларидан қай даражада фойдаланаётганлиги ўрганилди. Томорқаларда экиш ишларини жадаллаштириш учун 30 мингдан зиёд кўчат аҳолига арзон нархларда етказилди ҳамда 15 нафар эҳтиёжманд, имконияти чекланган ва яққа ёлғиз фуқароларнинг томорқаларидан фойдаланишда кўмак кўрсатилди.

Коронавирус пандемияси бутун дунё халқларини маълум маънода "дўшпини бошдан олиб", унутилаётган инсоний қадриятлар хусусида мушоҳада юритишга, у билан ҳисоблашишга мажбур қилди.

КАРАНТИН ПАЙТИДА МУАММОЛАР ЯНАДА АНИҚРОҚ КЎРИНДИ



Мамлакатимизда жорий этилган карантин тартиблари туфайли ўзим ҳам икки ойлик фаолиятимни қисқача сарҳисоб қилдим.

Бу давр давомида оила даврасида болалар тарбияси, ота-она меҳри, яқинларнинг "иссиқ нафасини" кўпроқ ҳис қилиш билан бирга, меҳнат фаолиятимни қизгин тарзда масофа сақлаб "одамлар орасида" ўтказдим.

Маълумки, мамлакатимизда коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси ташкил этилди.

Авалло, мазкур комиссия қарорларининг жойлардаги ижроси ўз сайлов округим, яъни 84-Денов сайлов округи ҳудудида ҳоким ва мутасаддилар иштирокида ўрганиб борилди. Хусусан, туман деҳқон бозоридоғи озиқ-овқат маҳсулотларининг таъминоти, захираси, нархларнинг барқарорлиги, тиббиёт муассасаларидаги шароитлар бўйича тизимли мониторинг олиб борилди.

Жорий йилнинг 8 апрелида Президент раислигида озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда томорқачиликни ривожлантиришга бағишланган видеоселектор йиғилишидан келиб чиқиб, Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма қарори асосида Ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ таркибига Сурхондарё вилоятидаги 7 та тумандаги 34 та маҳаллада бўлиб, 103 та хонадондаги аҳолининг ўз томорқаси ва 10 дан ортиқ деҳқон хўжаликларидан самарали фойдаланиш ҳолати бўйича таъсирчан парламент назорати ўрнатилди.

Кам таъминланган, қаровчиси бўлмаган оилаларга илгор фермерларни бириктириш, томорқа ерларига ишлов бериш, экин экиш масаласи бўйича 31 та муаммо ўз жойида ҳал этилди. Бу борада оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда 39 та чиқишлар қилинди. Энг муҳими, ҳудудлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганган ҳолда, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари, асосийси, бу соҳадаги муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликка аниқ тақлифлар масъул қўмитага берилди.

Хотира ва Қадрлар кўни арафасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши билан Денов туманидаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олindi. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Қахрамон болалар билан суҳбат асносида халқимиз оғир кунларни сабр-бардош билан енгиб ўтганликларини, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаганликларига яна бир бор амин бўлдим. Ишончимиз жуда юксак, бугунги синовларни ҳам матонат, сабр ва ҳамжиҳатлик билан албатта енгиб ўтамиз.

Пандемия фаолиятимизни масофавий тарзда амалга оширишни, йиғилишлар, муҳокамалар ва тақлифларни видео-конференция шаклида ўтказишни тақозо этди.

Электрон алоқа воситалари ҳамда карантин талабларига қатъий риоя қилган ҳолда сайловчиларнинг қилган 33 та мурожаати кўриб чиқилди. Айрим мурожаатлар жойига бориб ўрганилди. Мурожаатларнинг 22 таси қисқа муддатларда ҳал этилган бўлса, 7 таси тегишли ташкилотларга йўналтирилди, қолган 4 таси бўйича тушунтириш берилди.

Мен буларни айтиб, нима демокчиман? Парламентда ўтириб мамлакат ҳаёти билан боғлиқ муҳим масалаларни муҳокама этиб, қонунлар қабул қилаётганимизда қишлоқларда турмушининг оғир ҳуржунини елкасига осиб юрган, қийинчиликларни сабр билан енгиб келаётган ҳазрати инсонларни унутиб қўймагимиз керак.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси.

Юқори Чирчиқ туманида карантин тадбирларини олиб бориш асносида ҳудудда яшовчи ижтимоий кўмакка муҳтож, ногиронлиги бўлган эҳтиёжманд оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган кексалар ҳолидан хабар олишда прокуратура ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, ҳудудий ишчи гуруҳ ҳамда Юқори Чирчиқ туман прокуратураси томонидан аҳолининг бирламчи эҳтиёжидоғи товарлар — озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббий буюмлар нархини асоссиз ошириш ва сунъий танқислигини юзага келтириш ҳолатлари олдини олиш юзасидан зарур ва қатъий чоралар кўриб борилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш – биз барпо этаётган жамиятнинг узвий хусусияти, миллий ва умуминсоний мезонидир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФФОЛАТЛАРИ

қандай мустаҳкамланмоқда?

Бугун мамлакатимизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шу орқали муносиб ҳаёт кечирishi учун шароитни яхшилаш долзарб аҳамиятга эга.

Бу буюк мақсадга эришиш борасида Қонунчилик палатаси томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэтироф этилган халқаро стандартларга муносиб тарзда қонулар қабул қилинганини нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги Барқарор ривожланиш мақсадлари, Халқаро меҳнат ташкилоти, Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, қатор халқаро жамғармаларнинг ваколатхоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Халқаро ҳамкорликда республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга йўналтирилган турли лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши буйича миллий маърузалар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига доимий равишда тақдим этиб берилган.

Президентимиз Ш.Мирзиёев инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш, «йўл хариталарини» ишлаб чиқиш ва ижро этиш қўли палатанинг диққат марказида бўлиши кераклиги масаласига алоҳида эътибор берган эди.

Ушбу тақлифларга мувофиқ парламентимиз тарихида илк бор «Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» рўқни остида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ахбороти тақдим этилди. Бу ахборотнинг парламентда қўриб чиқилиши халқаро ташкилотлар тавсияларига берилаётган катта эътибордан далолат.

Мазкур Ахборотда 2018-2019 йилларда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни ривожлантириш ҳамда инсон

ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги инсон ҳуқуқлари бўйича ташаббуслари, инсон ҳуқуқларига доир халқаро шартномалар қондалари бажарилиши борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ёритиб берилган.

Ахборот олти бўлимдан иборат бўлиб, ҳажми жиҳатидан унинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари бажарилишининг қонуний асослари кўрсатилган. Бу бўлимнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у биринчи ўринда инсоннинг шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, меҳнат ҳуқуқлари ҳамда жамиятнинг айрим ижтимоий гуруҳлар, жумладан, аёллар, болалар ҳамда имкониятлари чекланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигига эътибор қаратилган.


Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар, жумладан, судлар мустақиллиги ва одил судловга бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш масалалари чуқур таҳлил этилган.

Иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислохотлар, Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар амалга оширилишига доир ўрганилган ҳолат юзасидан батафсил маълумот берилган.

Халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонда болалар меҳнати, мажбурий меҳнат ва одам савдоси масалалари бўйича берилаётган тавсиялар бажарилиши ҳолати ҳам таҳлил қилинган. Ахборотда аёллар, болалар ва имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг бажарилиши ҳам ўз аксини топган.

Ахборотнинг иккинчи бўлимида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш масалалари ёритиб берилган. Жумладан, халқаро ташкилотларнинг тавсияларига мувофиқ охириги икки йилда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, хусусан:

- Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази;



➤ **Парламентимиз тарихида илк бор «Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» рўқни остида Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга риоя қилинишининг ҳолати юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ахбороти тақдим этилди.**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили;

- Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг (Бизнес омбудсман) ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, уларни қўриқув билан мустаҳкамлаш ва фаолиятининг моддий-техника таъминотини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши ва уларни чеклаш масалалари бўйича қонун лойиҳаларини Миллий марказ билан мажбурий равишда келишиш тартиби жорий этилган, 15 та қонун лойиҳаси экспертизадан ўтказилган. Ўтган давр мобайнида халқаро мажбуриятларни амалга ошириш мақсадида Марказ томонидан 10 дан ортиқ мезърий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари бўйича тақлифлар тайёрланган бўлиб, «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни таъзия ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиздаги ислохотларда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки тобора кучайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ноҳуқумат ташкилотлар билан ҳамкорлиги фаоллашди. Ўзбекистонга «Хьюман Райтс Вотч», «Амнести Интернейшнл», «Коттон Кампейн», Норвегия Хельсинки қўмитаси, Халқаро юристлар комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳамкорлик каби халқаро ташкилотларнинг делегациялари ташриф бурди.

2019 йилда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини масалалари бўйича бешта миллий маъруза тайёрланди, тақдим этилди. Хусусан, БМТ томонидан Қўноқлар бўйича конвенция бажарилиши борасида Ўзбекистоннинг Бешинчи маърузаси ҳамда Ирқий камситилар барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Ўзбекистоннинг Унингчи-Ун иккинчи маърузаси қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларидан, шунингдек, халқаро ва

минтақавий ташкилотларнинг тавсияларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни самарали бажаришга эришиш мақсадида бир қатор тақлифлар ҳам олдинга сурилган.

БМТ ва ЕХҲТ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларига оид адабиётлар ўзбек тилида нашр этилмоқда. Жумладан, БМТ ва парламентларо Иттифоқ томонидан нашр қилинган «Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўланма» ҳамда «Парламентлар ва Барқарор ривожланиш мақсадлари» тўпламининг ўзбек тилидаги нашрлари Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларига тақдим қилинди, бу амалиётни мунтазам равишда давом эттириш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш – биз барпо этаётган жамиятнинг узвий хусусияти, миллий ва умуминсоний мезони ҳисобланади.

Дилбар МАМАДЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси.

COVID — 19



Инсонпарварлик ёрдами

Географик жиҳатдан Ўзбекистон билан Жанубий Корея бир-бирдан олис масофада бўлса-да, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир.

Тарихдан маълумки, «Буюк ипак йўли» бўйлаб худудлараро борди-келди йўлга қўйилган. Самарқанддаги «Афросиёб» музейида сақланаётган даворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд ҳукмдорининг қадимги Корея – Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мамлакатларимиз вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шериклардир. Давлат раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак иштилоқлар самараси ўлароқ, мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланмоқда.

Бугунги кунда пандемия сабаб қўллаб-қувватлаш иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмоқда. Бундай вазиятда чин дўст ва ҳамкорлар бир-бирини қўллаб-қувватлаши мумкин аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон ҳам бошқа давлатлар халқлари учун инсонпарварлик ёрдами сифатида турли озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, коронавирус инфекцияси



тарқалишининг олдини олишда фойдаланиладиган маҳсулотларни мунтазам етказиб бермоқда. Бундай оқибат кўрсатиш, шубҳасиз, халқлар ўртасидаги ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, кенг тарқалаётган мазкур пандемияга қарши курашишда турли давлатлардан Ўзбекистонга ҳам инсонпарварлик ёрдами берилмоқда. Яқинда Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) томонидан ҳам COVID-19 пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Андижон ва Самарқанд вилояти ҳамда Тошкент шаҳри ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига тарқибда 9 хил бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари бўлган жами 2200 дона қўмак қўтилари топширилди.

Шу қўтиларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бу каби хайрия ёрдамларини кўрсатиш, уларга зарур маҳсулотларни етказиб бериш ишлари жадал ҳал этилмоқда. Шу мақсадда Республика махсус комиссиясининг қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази ташкил қилинди.

Марказ томонидан 1197 қисқа рақами орқали ёрдамга муҳтож шахслар ҳақидаги маълумотлар қабул қилинмоқда ва уларга хайрия ёрдамларини етказиб изчил йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳолининг шундай қатламларига ёрдам беришга ўз ҳиссасини қўшоқчи бўлган кўнгиллилар ва хайрия қилишни истовчи фуқаролар ҳақидаги маълумотлар ҳам қабул қилинмоқда.

Айни пайтда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва эҳтиёжманд фуқароларга хайрия ёрдамини бериш истагида бўлган ҳамюртларимиз ҳамда хорижий ташкилотлар томонидан ушбу марказга мурожаатлар бўлмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ҲУЖЖАТЛАР СЎЗЛАГАНДА



ЎзХДП рақамли тизимга мослашяпти

Ҳозир турмушимизни ахборот – коммуникация технологияларининг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Рақамли тизим ҳар қандай масофа ва макондаги тафовутни қамраб олмоқда. Исталган жойдан туриб қатор давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўляпти. Электрон тижорат орқали эса маҳсулотлар сотиб олиш, буюртма қилиш муаммо эмас.

Давлатимиз раҳбари 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича ўтказган йиғилишида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифалар белгиланди. Пандемия шароитида рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлиги исботини топгани, таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатиш, умуман, барча соҳа истиқболи рақамли иқтисодиёт билан боғлиқлиги яққол кўриниб қолгани алоҳида таъкидланди. Экспертларнинг

бўён партиянинг республика даражасидаги барча йиғилишлари видеомулоқот тарзида ташкил этиляпти. Илгари маҳаллий партия кенгашлари вакиллари, фаоллар ва депутатлар пойтахтда ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этиш учун вақт сарфлаб, узок масофа босиб келган бўлса, энди буларга ҳожаат қолмади.

Яна бир аҳамиятли томони, бундай тадбирлар кенг аудиторияни қамраб олиши билан ҳам аҳамиятга эга. Битта мажлислар залида катнашувчилар сони чекланган бўлади, албатта. Видеоселектор шаклидаги йиғилишларда студиялардан қўллаб-қўлловчилар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдириш имкониятига эга бўлмоқда.

Шунингдек, партия тизимида барча худудий ташкилотларни қамраб олган электрон ҳужжат алмашинув йўлга қўйилди. Мурожаатларни қўриб чиқишда тезкорлик ва аниқлик янада ошди.

Ўтган йили бўлиб ўтган сайлов жараёнида ҳам ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилди. Сиёсий технологияларга иҳтисослашган хориқдаги бир қатор институтлар билан бир неча марта интернет орқали видеомулоқот ўтказилди. Мулоқотларда нафақат партия Марказий Кенгаши, Қорақалпоғiston республикаси ва барча вилоятлардан минглаб депутатликка номзодлар иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Тан олиш керак, яқин-яқингача партия ёпиқ ташкилотдай бўлиб фаолият юритар эди. Ҳозир ахборот технологиялари ёрдамида мулоқот учун, фикр алмашиш учун очилляпти. Бу жараёни янги даражага олиб чиқиш долзарб масалага айланди.

Албатта, тизимни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири партия ташкилотларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ва тезкор интернет тармоқларига улаш ҳисобланади. Ўтган йили вилоят партия кенгашлари зарур технологиялар билан таъминланган эди, ҳозир тўлиқ партия кенгашларига ахборот-коммуникация технологияларини етказиб бериш, зарур инфратузилмани тўлиқ шакллантириш ишлари олиб борилляпти.

Пандемия шароитида фрак-

ция фаолияти, қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш ва муҳокама этиш, асосли тақлифлар бериш жараёнлари ҳам масофадан видеоконференция шаклида олиб борилмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқларда Халқ демократик партияси депутатларининг фуқаролар билан тўғридан-тўғри онлайн мулоқоти ташкил этиляпти. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган савол ёки масала бўйича депутатга мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳим масалаларда аҳоли вакилларининг муносабати, нуктаи назари видеотасвирга ёзиб олинди, партия сайти, телеграм канали ва бошқа ижтимоий тармоқларга бериб боғлиқлаштирилди. «Бўйинбоғсиз суҳбат» лойиҳаси йўлга қўйилляпти, қисқа ва енгил савол-жавоблар ёрдамида депутатларни ижтимоий тармоқларда жамоатчиликка таништириш, муҳим мавзуларда расмийликдан холи тилда мулоқот қилишга эътибор қаратилляпти.

Албатта, барчамиз рақамли иқтисодиётга, рақамли дунёга, рақамли ахборот ва мулоқот воситаларига тезроқ мослашишимиз керак. Бу борада партияимиз тизимда қилиниши зарур бўлган ишлар оз эмас ва улар режа асосида изчил давом эттирилади. Партиянинг барча даражадаги ташкилотларида ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос инфратузилмасини мустаҳкамлаш, ижтимоий тармоқларда фаол муҳокама ва мулоқот муҳитини яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Электронат вакилларини йўналтириётган, жойларда ечимини қўтиб турган муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишда рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланиш вақти келди. Шунинг учун партияимиз депутатларига видео, аудио ва электрон матн шаклларида мурожаат ва саволлар йўллаш имкониятини яратишга тайёргарлик кўриляпти.

Рақамли технологиялар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотиранда сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим эта олади. Дунё жуда шиддат билан ўзгаряпти, унинг янги қўнда ва тартибларига мослашган ташкилотларга ҳамда ўз ўрни, таъсир кучига эга бўлади.

Лазиза ШЕРОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши маъсул ходими.

Исмоил Гаспринский бутун вужуди билан Туркистон учун нажот йўллари излади ва буни янгиланишда, ислохотда кўрди.

ИЛМ, МАЪРИФАТГА ДАЪВАТ – ЖАДИДЧА МИЛЛИЙ ҒОЯ ДЕМАКДИР
ТУРКИСТОНДАН РУҲИЙ МАДАД ОЛГАН ШАХС

Улкан мутафаккир ва ислохотчи жадид Исмоил Гаспринский, профессор Беғали Қосимов таъбири билан айтганда, «бутун вужуди билан Туркистон учун ҳам нажот йўллари излади ва буни янгиланишда, ислохотда кўрди».

Ўзбекистоннинг янги тарихдан жой олган яқин юз йил наридаги жадидчилик ҳаракати ибрат ва сабоқ олишга лойиқ воқеа-ҳодисаларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, жадидчилик ўзининг мураккаб тарихий жараёнлиги сабаб қизиқарли, кенг қамровли қўлами билан мураккаб, аммо эзгу орзу-ниятлар, ҳурлик ва мустақиллик ғоясининг мужассами билан улғувор бир тарих саналади.



Бундан ташқари Исмоил Гаспринский имкониятдан фойдаланган ҳолда Қозӣ Калонни таълимнинг янги усули билан батафсил таништириди ва ўзининг «Ҳожаи сиёён» (Болалар ўқитувчиси) дарслигини ҳада қилади. Қозӣ Калон Гаспринский тақдим қилган янги таълим усули жуда самарали ва фойдалилигини маъқуллайди.

Бухорода Гаспринский мактаб ва мадрасаларга бориб, у ердаги ҳаёт билан танишади. Ҳуқуқи ва талабалар билан суҳбат қилади. Бухорода 4 кун бўлган, Гаспринский Самарқандга қараб йўл олади. Самарқандда ҳам у биринчи навбатда рус маъмуриятига учрайди. Уни Самарқанд ҳарбий губернатори граф Ростовцев қабул қилади. Гаспринский губернатор билан бўлган ярим соатлик учрашув давомида у билан ўзини қизиқтирган барча масалалар: газеталар мактабга суҳбатлашиб улғурди. Суҳбатдан таъсирланган губернатор «Таржимонга» обуна бўлиш истагини билдирди ва Гаспринскийга мактаблар борасида батафсил маълумот олиш учун шаҳардаги рус-тузем мактаби ўқитувчиси билан учрашганини масъулият касб этади. Гаспринскийнинг бу борадаги мақолалари ва қарашлари таҳлил этилганда, унинг Бухорога бўлган қизиқиши кучли эканлиги яққол сезилиб туради. Уни кўпроқ Бухоро мадрасалари қизиқтиради. Гаспринский умрининг охирига қадар ушбу мадрасаларга маърифатчилик ғояларини татбиқ этиш истаги билан ўтди. Унинг сўзлари билан айтсақ, Гаспринский «Европа цивилизацияси» таъсир қилганда Туркистонда ўз ғояларини ёйишга иштироки баланд эди. Мана шу сабаблар уни Туркистонга етказди.

Гаспринский Туркистонга бўладиган сафари олдидан «Таржимон»да ўлка ҳаёти, тарихи ва географиясига оид туркум мақолалар беради ва газета ўқувчиларини Туркистон билан ошно қилади. Айниқса, Гаспринскийнинг Бухоро амрлиги ҳақидаги мақолалари анча маълумотларга бой эди. Муаллиф Бухоронинг буюқ ўтмиши, мадрасалари ва ҳукмдорлари борасида анча қизиқарли фактларни келтирди. 1893 йилнинг февраль ойида Бухоро амири Абдулаҳадхон (1859-1910) Петербург сафаридан қайтишда Қримга – Боғчасаройга келади. Юксак меҳмонни кутиб олувчилар қаторида Гаспринский ҳам бор эди. Бу икки шахс 1883 йилдан эътиборан ғойибона таниш эдилар. Ушундан вақиллаҳ бўлган Абдулаҳадхон Гаспринскийга «Таржимон»га «саводсиз ва жоҳил» сифатида бонг ураётган хабар ва маълумотлар асосидан кўпроқ маълумотлар амин бўлади. Шу сабабдан бўлса керак, Гаспринский Тошкентда 6 кун қолди кетади.

Тошкентда экан Гаспринский ўша вақтдаги Туркистон генерал-губернатори барон А.Вревский (1834-1910) ҳамда ўлка таълим тизимига масъул бўлган шахслардан бири Н.Остроумов (1846-1930) билан ҳам кўришади. Булиб ўтган учрашувлар тафсилотлари бизга номаълум. Шундай бўлса-да, Гаспринскийнинг биринчи навбатда 1892 йили Туркистон генерал-губернаторига таълим соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган ислохотлар ҳақида фикрларини баён қилиб юборган мактубининг таъдир қизиқтирганлиги шубҳасиз. Бу масала Н.Остроумов билан муҳокама қилганлиги эҳтимоли кўпроқ. Гаспринский Остроумовни 1880-йиллардан анча яқин таниган ва ўлка таълим тизимига катта таъсир ўтказувчи шахс эканлигини яқин билар эди. Исмоилбей Остроумов билан янги усул мактаблари борасида ҳам суҳбатлашди ва Самарқандда очилган мактабини расман рўйхатдан ўттиришга кўмаклашини илтимос қилади. Лекин Остроумов берган ваъдалари устидан чиқмади.

Гаспринский Тошкентдан яна Самарқандга қайтади. У ерда уни Шахрисабзга олиб бориш учун амир тарафидан юборилган одамлар кутиб турган эдилар. Айни шу вақтда Самарқандга етиб келган таниқли педагог, боқулик Маждид Ганизода (1866-1937) Гаспринскийга ҳамроҳ бўлади. Сафар сўнгида Маждид Ганизода Гаспринскийнинг илтимосига биноан Самарқандда 40 кун қолди, янги очилган усули жадид мактабига дарс бериш билан бир қаторда маҳаллий муаллимларга янги методика асосларини ҳам сабоқ беради.

Гаспринский Шахрисабзга Қурбон ҳайити арафасида етиб келади ва Абдулаҳадхон билан байрам намозидан сўнг кўришишга муваффақ бўлади. Уларнинг бу кўришуви расмий тарзда бўлиб 15 дақиқадан ортиқ вақтга солинган. Гаспринскийнинг Абдулаҳадхон билан асосий кўришуви ва суҳбати ўша кунни тушдан кейин бўлади. Бу сафар улар батафсил суҳбатлашиш имконига эга бўладилар. Суҳбат чоғида Гаспринский Бухорода янги усул мактаби очилишига ва улар халқни амалдорларга қарши ҳаракат қилишига асосий қўриқчиларини билдириди. Абдулаҳадхон бундан ташқари Гаспринскийнинг «Ҳожаи сиёён» асарини ҳам кўриди.

Гаспринскийнинг Бухорода янги усул мактаби очилишига асосий қўриқчиларини билдириди. Абдулаҳадхон бундан ташқари Гаспринскийнинг «Ҳожаи сиёён» асарини ҳам кўриди.

ёзган мактубидаги фикрларни амалда қўллашга киришади.

Гаспринский юқоридаги ишларни амалга ошириш учун ўзига мадад қиладиган худудларига икки ойлик сафар уюштиришни режалаштиради. Унинг 1908 йилги Туркистон саёҳати ҳам кўмак излашни мақсад қилган эди. Гаспринскийнинг иккинчи саёҳати биринчисидан айнан шу жиҳати билан фарқ қилади.

Гаспринский иккинчи саёҳатномаси кундаликларида кўпроқ Туркистоннинг сиёсий муаммоларига эътибор қаратади: русларнинг туркманларга қарши уруши, шаҳарлар қурилиши, шаҳарларнинг мусулмонлар яшайдиган қисмлари аҳоли, рус муҳожирларнинг ўлкага кўчириб келиниши, татарларнинг Туркистонда мол-мулк ололмалиги ва ҳоказо. Гаспринскийнинг бу сафардан мақсади Самарқанд шаҳри эди. Бу шаҳарда унинг Туркистондаги энг яқин маслақдоши Маҳмудхўжа Бехбудий истиқомат қиларди.

Гаспринскийнинг Бухоро амири билан бўлган учрашуви жуда қисқа бўлиб, расмийчиликдан нари ўтмайди. Бу вақт Гаспринский Бухорода кўрганларидан Абдулаҳадхондан бир нарсани амалга оширишга умид ҳам қилмай қўйганлиги сезилиб туради. Уз ўзларида у Бухоро ҳукуматининг икки сиёсатини қаттиқ танқид остига олади. «Агар иш шу тариқа давом этса, – деб ёзади у, – шак-шубҳасиз, Бухоро яқин орада Туркистон генерал-губернаторлигининг бир вилоятга айлантирилиши» Бу билан Гаспринский охириги вақтларда рус амалдорлари ва олимларининг Бухоро тўғрисида матбуотда пайдо бўла бошлаган фикрларига ўз муносабатини билдириб ўтади ва Бухоро амрлиги нима бўлганда ҳам тугатилмаслиги, яшаб қолиши кераклигини айтиди.

Гаспринский Бухорода ушланиб қолмасдан тўғри Самарқандга йўл олади ва шаҳарга келиб Маҳмудхўжа Бехбудий ҳомилиқ қилаётган Абдулқодир Шақурийнинг янги усул мактабига боради. Самарқандда Гаспринский бир ҳафта туради. У Бехбудий билан бўлган узоқ суҳбатлари ҳақида бизга ҳеч қандай маълумот бермайди. Уз фикрлари тасдиғини толмағунинг қадар бу ҳақда билдиришни истамаган кўринад.

Гаспринскийнинг Тошкентга қайтиши олдидан, Самарқанддаги вақтида Бухородан икки киши келиб ундан Қозӣ Калон билан янги усул мактаби очилиши борасида яна бир бор гаплашиб кўришни илтимос қилганлигини сабабли у ерда икки кун қолишига тўғри келади. Унинг Қозӣ Калон билан учрашуви бесамар бўлади. Янги мактаб очилишига Қозӣ Калон розилик беради. Гаспринскийнинг бухоролик зиёлилар билан суҳбатидан кейин мажлисдагилар шаҳарда икки йилдан бери фаолият олиб бораётган татар мактабини кенгайтиришга ва унга маҳаллий аҳоли болалари ҳам қабул қилинишига келишиб оладилар.

Гаспринскийнинг 1908 йилги Туркистон саёҳати қисқа бўлди. Чунки у Россия бўйлаб режалаштирган икки ойлик иш саёҳатини вақтида тугаллашга шошлар эди. Гаспринский Туркистонга 15 йил ораллида қилган икки саёҳатидан кўзланган мақсадларига етди. Бу саёҳат унга ҳам, туркистонлик издошларига ҳам фойдадан холи бўлмади.

Исмоил Гаспринский, профессор Беғали Қосимов таъбири билан айтганда, «бутун вужуди билан Туркистон учун ҳам нажот йўллари излади ва буни янгиланишда, ислохотда кўрди».

Шунингдек, шахсни ушлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказилган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ҳам эндиликда видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлади.

Бундан ташқари, шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурув чораси ва шахс ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг яқинларига дарҳол хабар берилиши шартлиги белгиланди. (Илгари 24 соатдан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт бўлган).

Алдия вазириликнинг телеграммаси «Низулу ахборот» канали.

БИЛАСИЗМИ?

Кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш тартиби ва миқдори қандай?



Куйидаги нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52,7 фоизидан (358 007 сўмдан) ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади:

- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа:
— 1 та болали оилага - 131 000 сўм;
— 2 та болали оилага - 217 000 сўм;
— 3 ва ундан ортиқ болали оилага - 304 000 сўм;

— 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа - 434 000 сўм;
— кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам - 326 000 сўмдан 653 000 сўмгача.

Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад, нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун муурожаат қилинган ойдан олдинги охириги 3 ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лавқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритилмаган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

Нафақа ва моддий ёрдам ариза берувчининг ўзини ўзи бошқариш органига муурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади.


Меҳнат дафтарчаси ҳодимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатдир.



Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ҳодимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт. Ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мураккаб.

Иш берувчи меҳнат дафтарчасига ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ҳодимнинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ўриндошлик асосида ишлаган ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) меҳнат дафтарчасига ёзилмайди.

Ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шарт



«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофиза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» Қонун (УРҚ-617-сон, 14.05.2020 й.) Президент томонидан имзоланди.

Киритилган ўзгаришларга кўра, эндиликда гуноҳ қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи гуноҳ қилинувчи ва ҳимоячи билан ўзаралик видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлади.

Шунингдек, шахсни ушлаш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказилган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари ҳам эндиликда видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлади.

Бундан ташқари, шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мажбурув чораси ва шахс ушлаб турилган жойи тўғрисида унинг яқинларига дарҳол хабар берилиши шартлиги белгиланди. (Илгари 24 соатдан кечиктирмасдан хабар берилиши шарт бўлган).

Алдия вазириликнинг телеграммаси «Низулу ахборот» канали.

Тошкент давлат шарқшунослик университети давлати Ижтимоий фанлар кафедраси мудири Улғубек Идировга онаси Ғайола ИДИРОВАнинг университетни проректори, профессор.

Каъба халойиқнинг саждагоҳи бўлса, кўнгил Холиқ (Ҳақ таоло)нинг жилвагоҳидир (назаргоҳидир).

ЯНГИ КИТОБЛАР

Жасоратга тўла умр ҳақида ҳикоялар

Юридик фанлари доктори, полковник Абдуғофур Сатторов ва журналист Садриддин Шамсиддиновнинг «NISO POLIGRAF» нашриётида «Зокиржон Алматов – Бир умрлик жасорат» китобини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Ички ишлар соҳасида катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, мустақилликнинг мураккаб йилларида шу тизимнинг биринчи раҳбари бўлган инсоннинг болалиги, ёшлиги қандай ўтганлиги кўпчиликини қизиқтиради, албатта.



«Ташавтомаш» заводидида ишчи, кейинчалик Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасининг 6-трестидида бетон қуювчи вазифаларида ишлаган экан. Демак, шундан яхши биладики, бир бурда нон қандай меҳнат эвазига топилишини, оддий одамлар ҳаётини...

Зокиржон Алматов ички ишлар тизимидаги меҳнат фаолиятини Тошкент вилоятидан бошлади. Китобда ёзилишича, «Бўй-баста келишган, нигоҳларидан ўт чақнаб турган навқирон йигитнинг юз ифодасида қатъият, ўзига нисбатан ишонч, угача бир ўқтамлик намён бўлиб турарди».

Еш мутахассис Тошкент вилояти ИИБ паспорт бўлимига инспектор вазифасига қабул қилинади.

Бу йўналишдаги ишларни кунт билан ўрганади. Устозлари топшириқларини бекаму кўст бажаришга ҳаракат қилади. Янги ташил этилган Тошкент тумани ИИБ паспорт бўлими тамал тошини қўйиш Зокиржон Алматовга ишончи топирилади. Орадан кўп ўтмай туман ИИБ бошлиғи ўрин-

босари бўлганидан сўнг унинг тезкор қидирув ишларидаги қобилияти ҳам раҳбарият томонидан пухта таҳлил қилиниб, аниқ йўл-йўриқлар бериларди. Зокиржон Алматов тажрибали устозлари фикрларини диққат билан тинглар, воқеа рўй берган жойга тезлик билан етиб борар эди. Энг муҳими, ақл-идроқ билан ҳаракат қиларди.

Мустақиллик йилларида Ички ишлар вазирлигининг нуфузи муттасил юксалиб боргани кенг жамоатчиликка маълум. 1991 йилда вазир лавозимида иш бошлаган Зокиржон Алматовнинг унвони полковник бўлган эди, ўн йил ораси у генерал-полковник даражасига кўтарилди. Бу унвонлар замирида Зокиржон Алматовнинг бевосита хизматлари мужассам, албатта.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида уюшган жиноятчиликни тор-мор этиш, машина ўғирлиги фаолиятига чек қўйишда асосий юк ички ишлар ходимлари зиммасига тушди.

Китобни ўқир экансиз, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида содир этилган оғир жиноятларни очишда Зокиржон Алматовнинг шахсий намунаси, ўз касбининг билимдони экани тазсирли ҳикоя қилинади.

Тўғри, бу қонун бузилишлар ўша пайтлари эл-юрт ичида овоза бўлган, улар ҳақида кўча-кўйда эшитган эдик. Китобда эса ўша жиноятлар қай тарзда фож этилгани далил ва ҳужжатлар асосида ҳикоя қилинади. Бўка туманидаги Ачамайли воқеасини содир этган жиноятчиларни, Янгийўлдаги машина ўғирлиги, бир неча нафар дехқонларни ўлдириб, Келес каналига чўктирган, мол-мулкни ўзлаштирган жиний тўданинг фож этилишида Зокиржон Алматовнинг бой тажрибаси,

воқеаларни олдидан кўра билиш қобилияти аниқ мисоллар орқали баён этилади.

Ички ишлар вазирлигининг халқаро миқёсдаги самарали фаолиятига китобда махсус боблар бағишланган. Ўзбекистоннинг мамлакат хавфсизлиги борасидаги тажрибалари Германия, Хитой, Корея Республикаси, Туркия давлатлари ички ишлар вазирликлари томонидан кенг эътироф этилган. Ўзбекистон «Интерпол»га тўлақонли аъзо бўлишида ҳам Зокиржон Алматовнинг хизматлари алоҳида эканлиги ҳикоя қилинади.

Тошкент шаҳрида тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига замонавий талаблар асосида шароит яратиш вазирлигининг мақсадларидан эди. Зокиржон Алматов саъй-ҳаракати билан Тошкент шаҳар ИИБ Давлат автомобиль назорати бошқармасининг янги биноси барпо этилди.

Ички ишлар вазирлиги таркибидида Ахборот маркази фаолиятини йўлга қўйиш ҳам раҳбарнинг диққат маркази бўлди.

Қорақамшида Ички ишлар вазирлиги госпитали қандай бўлиб этилгани, бу ерда бошқа соҳа ходимлари ҳавас қиладиган шароит яратилгани ҳам Зокиржон Алматовнинг номи билан боғлиқ. Бу ҳақда китобда муфассал баён этилган.

«Зокиржон Алматов — Бир умрлик жасорат» кўпчиликти катта қизиқиш уйғотишига ишонамиз. Зеро, бу китобдаги воқеалар Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари тарихи ҳақида бизга қўшимча маълумотлар беради.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.



Алишер Навоий ҳикоятлари

соясиди қолиб кетишини, уни тўла-тўқис, комил инсон эканлигини шоир шейр мунчоғига тизади.

*Зевар кишига не тожу не афсар бил,
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархал бил,
Ҳар кимки адабсиздур ишин абтар бил,
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.*

Навоийнинг фикрича, инсон учун тож, юксак мартаба, давлат ва молу мулк эмас, балки энг яхши фазилатлар, жумладан, одоб ва ҳаё зийнатидир. Одобсизнинг иши ҳамisha оқибатсиздир. Одабий фазилатлар ҳар қандай бойликдан афзал. Олтин-кумуш, бойлик тўплашга кўп ўрганим, бу интилиш шундай машаққатдирки, ундан сени фақат одобгина қутқара олади. Одоб шундай бир бебаҳо бойликдирки, у ҳар қандай сийму зардан юқориқоқдир.

*Каъбаки оламнинг ўлуб қилбаси,
Қадри йўқ андоқки кўнул каъбаси —
Ким, бу — халойиқга эрур саждагоҳ,
Ул бири — Ҳолиқга эрур жилвагоҳ.*

Каъба оламнинг қилбаси бўлишига қарамай, кўнгил каъбасичалик қадри йўқ. Негаки, Каъба халойиқнинг саждагоҳи бўлса, кўнгил Холиқ (Ҳақ таоло)нинг жилвагоҳидир (назаргоҳидир).

*Кимки мўминдирур, қачон чидагай,
Ким ўз тўқу қўшниси бўлгай оч,
Анга доғи керак етурса насиб,
Хонида гар қулчи гар умоч.*

Қўшничилик — одабийлик зийнатининг бир қўрнини. Қўшнинг ҳол-аҳволидан хабар олиш, «иссиқ-совуқ» кўнларида «лаббай» дея қизиқ ёки унга ҳурмат-иззат кўрсатиш буюк инсоний бурчдир. Қўшни билан яхши муомалада бўлиш, бир-бирини тушуниш, унга озор етказмаслик, изза бермаслик муқомончиликда жуда қадрланиб келинган. Китобларда қўшничиликка катта эътибор берилиб, ҳаттоки қўшнинг ҳақи Аллоҳнинг ҳақиқа тенглаштирилган.

(«Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикоятлар» китобидан олинди)

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АМАЛДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИГА МУВОФИҚ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ОҒОҲЛАНТИРАДИ:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоэлектронлар, радиостанциялар ва бошқа радиоэлектрон воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электромагнит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлиmlарига мурожаат қилинг.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй, телефон: (71) 202-61-69.	Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона, телефон: (71) 230-64-72.
Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33-уй, телефон: (71) 230-64-65.	Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ, Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.
Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.	Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, телефон: (71) 230-64-79.
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй, телефон: (71) 230-64-68.	Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй, телефон: (71) 230-64-67.
Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси, ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.	Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй, телефон: (71) 230-64-74.
Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 21-уй, телефон: (71) 230-64-78.	Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.
Навоий шаҳри, Амир Темур кўчаси, 4-уй, телефон: (71) 230-64-69.	

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Попурицепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHIRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV	Qalandar ABDURAHMONOV	Hayotxon ORTIQBOYEVA
Ulug'bek VAFOYEV	Guliston ANNAQILICHEVA	Farrux HAMROYEV
Mahmud TOIR	Muslihidin MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
	Shuhrat JALIOV	

Qabulxona — (71)233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 551. 2207 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 18:00.
Topshirilgan vaqti — 18:30.
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Bekzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6